



МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 18-19 май кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



中国-中亚友谊林
Аллея Дружбы «Китай – Центральная Азия»
2023.05.19



O'ZBEKISTON - XITOIY QO'SHMA
LOYIHALARNI ISHGA TUSHIRISH MAROSIMI

2023-YIL 19-MAY, SIAN

乌兹别克斯坦 - 中国合作项目启动仪式

2023年 西安

Давлатимиз раҳбари 19 май кунги Сиань шаҳрида "Марказий Осиё — Хитой" биринчи саммитида иштирок этди.

Хитой Халқ Республикаси раҳбари Си Цзиньпин раислигида ўтган тадбирда Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев,

Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада

кенгайтиришга оид ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳома қилинди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида саммит асрлар давомида бутун Евроосиёнинг цивилизациясида, ўзаро боғлиқлиги ва тараққиётида муҳим омил бўлган Буюк ипак йўлининг бошланиш

нуктаси бўлиб хизмат қилган кўҳна Сиань шаҳрида ўтаётгани рамзий маънога эгалигини таъкидлади.

Ушбу учрашув мураккаб халқаро вазиёт шароитида алоҳида аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

— Пандемия синовларини енгиб ўтган мамлакатларимиз глобал миқёсда

ишонч инқирозининг салбий оқибатлари-га дуч келди.

Марказий Осиё учун муҳим бўлган одатдаги транспорт-логистика занжирларида жиддий узилишлар, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги учун таҳдидлар, инфляция импорти ўсиб бораётгани ортидан ижтимоий кескинлик хатарлари

ва бошқа муаммолар биздан янада яқин мувофиқлашув ва амалий ҳамкорликни талаб қилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ХИТОЙ” САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Сизлар билан яна кўришиб турганимдан гоят хурсандман.

Ҳамкасбларимнинг фикрларига қўшилган ҳолда, жаноб Раис Си Цзиньпинга "Марказий Осиё — Хитой" форматидagi биринчи юзма-юз учрашувни ўтказиш ташаббуси ҳамда аънаванавий илик ва самимий қабул учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Хитой Раисига дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири, буюк империя пойтахти бўлган гузал Сианьда бугунги учрашувимизни ташкил этгани учун алоҳида ташаккур билдираман.

Ириқ илмий, маданий ва иқтисодий марказ бўлган бу шаҳар кўп асрлар давомида бутун Евроосиё китъасида цивилизация ривожланиши, ўзаро боғлиқлик ва тараққиётга муносиб ҳисса қўшган Буюк ипак йўлига тамал тоши қўйилган қўтлуғ маскандир.

"Бир макон, бир йўл" ташаббусига ўн йил тўладиган мазкур йилда айнан мана шу жойда — Шарқда шўҳрат қозongan Чанъанда биз ушбу эзгу аънаваларни тиклаб, мамлакатларимизнинг янги даврдаги умумий раванга учун мустаҳкам пойдевор қўяётганимиздан мамнунман.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Бугунги мураккаб халқаро вазиётда бизнинг саммитимиз алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатларимиз пандемия билан боғлиқ синовларни енгиб ўтиб, глобал миқёсдаги ишонч тақчиллигининг салбий оқибатларига тўқнаш келди. Айниқса, Марказий Осиё учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган барқарор транспорт-логистика занжирларидаги жиддий узилишлар, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигига таҳдидлар, инфляция импорти ўсиб бораётган шароитдаги иқтисодий кескинлик билан боғлиқ хавф-хатарлар ва бошқа муаммолар биздан амалий ҳамкорлигимизни кучайтириш ва фаолиятимизни янада кўпроқ мувофиқлаштиришни талаб этмоқда.

Ҳамкасбларимнинг мазмунли нутқлари ва уларнинг ҳамкорликка қатъий тайёрлиги минтақадаги тўз ўгартишлардан далolat беради.

Бугун Марказий Осиё бутунлай янги — жиқлашган ва кучли, мулоқот ва кенг кўламли шериклик учун очик минтақадир.

Ўтган йили биз минтақа мамлакатлари ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўттиз йиллигини биргаликда нишонладик. Ишонч, ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олишга асосланган мукамал ҳамкорликка эришдик. Ўзаро маҳсулот айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми юзлаб каррага ошди, бизнес кооперацияси ва гуманитар алмашувлар соҳасида катта тажриба орттирдик.

Шунга алоҳида ургу бериб айтмоқчиман: бизнинг мамлакатларимиз — Хитойнинг "Ян-гуань

довони ортида"ги вақт синовларидан ўтган чинакам дўстларидир.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Биз бугунги йиғилиш кун тартибидagi масалаларни ва Сиань декларациясининг асосий бандларини қўллаб-қувватлаймиз. Бугун илгари сурилаётган ташаббус ва таклифлар албатта амалга оширилади, деб ишонаман.

Шу маънода, минтақавий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари бўйича самарали шериклик механизмларини шакллантириш муҳимлиги ҳақидаги фикрларга тўлиқ қўшиламан. Бу уринда сўз, биринчи навбатда, савдо, инвестициялар, транспорт, гуманитар алоқалар ҳақида бормоқда.

Шу билан бирга, келгуси ўн йилликларга мўлжалланган кўп қиррали ҳамкорликнинг узоқ муддатли кун тартибиди, истиқбол учун режа ва вазифаларни ишлаб чиқиш принциплар ҳақидадан муҳим, деб ҳисоблайман.

Менимча, мамлакатларимизда етакчи "ақл марказлари"нинг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Таҳлил институтлари, олим ва мутахассислар стратегик ёндашувлар, комплекс тавсия ва қарорлар, минтақавий ва глобал миқёсда туб бурилиш ясайдиган лойиҳаларни ишлаб чиқиши лозим.

Келгуси йил Самарқандда Миллий стратегияларимизни уйғунлаштириш масалалари бўйича биринчи халқаро экспертлар конференциясини ўтказишга ва мунозара майдонини тақдим этишга тайёрмиз.

Хурматли ҳамкасблар!

Минтақавий ҳамкорлик билан боғлиқ энг долзарб масалалар бўйича бизнинг қарашларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Энг аввало, бу мамлакатларимиз ва бутун минтақанинг барқарор ривожланиши учун зарур шароитларни шакллантиришдан иборат. Бу масалада биз аҳоли турмуш даражасини ошириш ва камбағалликка қарши самарали курашишга устувор аҳамият берамиз.

Шу билан тегишли миллий дастурларни амалга оширишда Хитойнинг илгор тажрибасидан фойдаланган ҳолда, фақатгина сунги бир йилда бир миллиондан ортик фуқароларимизни эҳтижмандлар тоифасидан чиқаришга эришдик.

Биз муҳтарам Хитой Халқ Республикасининг Раиси билан Глобал тараққиёт ташаббусларининг бош мақсадига эришиш учун биргаликдаги ишларимизни давом эттиришга келишиб олдик.

Ишончим комил, аҳоли ҳаёт даражасини ошириш ва ҳудудларни, энг аввало, қишлоқ туманларини ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган қўшма дастурни қабул қилиш ва амалга ошириш халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланади ҳамда бу 2030 йилгача бўлган Кун тартибидagi мақсадларга эришиш йўлида умумий ҳиссамиз бўлади.

Биз янги иқтисодий мулоқотни шакллантириш ва мамлакатларимиз ўзаро боғлиқлигини кучайтириш тарафдоримиз.

Минтақа мамлакатлари томонидан 2030 йилгача Хитой билан товар айланмаси ҳажмини икки баробар оширишга бемалол эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бунга биринчи навбатда саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришнинг муносиб ўсиши, самарали савдо-логистика инфратузилмалари ва замонавий улгуржи-таксимлаш тармоқларини шакллантириш, "яшил" ва экспресс-йўлақлар тизимини жорий этиш, электрон тижоратнинг умумий платформасини яратиш ҳисобидан эришилади.

Мамлакатларимизда экспорт ва импорт кўргазмалари, бизнес ва инвестиция форумларини ҳар йили ўтказиб бориш, Марказий Осиё ва Хитой Иш-билармонлар кенгашини ташкил этиш муҳимлигини таъкидлаймиз.

Қулай шарт-шароитлар ва зарурий ҳуқуқий базани шакллантириш учун Ўзаро савдога кўмаклашиш ва инвестицияларни рағбатлантириш тўғрисида кўп томонлама битимни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Саноат кооперациясини чуқурлаштириш, рақамли технологияларни жалб этиш ва инновацияларни, айниқса, қишлоқ ҳўжалигига кенг жорий этиш масалалари Хитойнинг провинциялари билан тўғридан-тўғри ҳудудлараро мулоқотлар доирасида самарали ҳал этилиши мумкин.

Амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, биродарлик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш учун бу йил Ўзбекистонда мамлакатларимиз шаҳарлари ва минтақаларининг форуми ва кўргазмасини ўтказишни таклиф этаман.

Хавфсиз, қисқа ва қулай транспорт коридорларини ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга. Улар Хитойни бизнинг минтақаларимиз билан боғлаб, Европа, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш имкониятини беради.

Транс-Евроосиё магистрالي Буюк ипак йўлини тиклаш бўйича устувор лойиҳа ҳисобланади. "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" автомобиль ва темир йўли ушбу магистралнинг муҳим таркибий бўғиндир. Хитой ва қирғиз шерикларимиз билан биргаликда биз бу борада амалий ишлар босқичига ўтмоқдамиз.

Истиқболда ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ва Трансафғон коридорининг қурилиши "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида Хитойни Жанубий Осиё мамлакатлари билан муқобил йўлар орқали боғлаш имконини беради. Шунингдек, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича миллий дастурларнинг уйғунлигини таъминлаш ва шу асосда узоқ муддатга

мўлжалланган ягона стратегияни ишлаб чиқишни биринчи галдаги вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Иқлим ўзгариши ва "яшил энергетика" бўйича ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратишни таклиф этаман.

Афсуски, Марказий Осиёдаги энергетика инфратузилмаларини ривожлантириш суръатлари саноатлаштиш ва урбанизация жараёнларидан, шунингдек, аҳоли ўсишидан ортада қолимоқда. Бу эса мамлакатларимизнинг узоқ муддатли барқарор тараққиёти учун чиндан ҳам жиддий таҳдиддир.

Хитойнинг қўёш, шамол ва гидроэнергетика, шунингдек, лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг молиявий воситалари соҳасида технологик жиҳатдан етакчи эканини ҳисобга олиб, муқобил энергетика бўйича яқин илмий-амалий шерикликни кенгайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Оролбўйидаги экологик муаммоларни ҳал этиш, биохилма-хилликни ҳимоя қилиш, музликлар ва тупроқ ҳосилдорлигини сақлаш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишда ҳам самарали ҳамкорликка тайёрмиз.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари! Биз барқарорлик ва хавфсизлик масалалари бўйича минтақавий мулоқотнинг бугунги даражасини юксак қадрлаймиз. Мамлакатларимизнинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги масалалари бўйича принциплар позицияни эгаллаб келялмиз.

Ўзбекистон Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига мувофиқ хавфсизликнинг бўлини маслиги ва тинч тараққиёт тамойилларига асосланган глобал ташаббусни қўллаб-қувватлайди.

Марказий Осиё давлатлари ва Хитой махсус хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида уч ёвуз куч — наркотрафик, трансчегаравий ва кибер жиноятчиликка қарши курашда яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни таклиф этамиз.

Афғонистонда гуманитар ҳалокатга йўл қўймаслик бўйича келишилган позицияни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма кўриш учун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Афғонистонга қўшни мамлакатлар доирасида Мулоқот гуруҳи платформаларидан тўлиқ фойдаланиш долзарбдир.

Хурматли Си Цзиньпин жаноблари, сиз таъкидлаб ўтганингиздек, "Афғонистонда инклюзив сиёсий тизимни яратиш, мамлакатларимизнинг терроризмга қарши кенг қўламли ҳамкорлик ўрнатилиши билан боғлиқ масалаларни ҳамжиҳатликда илгари суришишни муҳимдир".

Шунингдек, жаҳон ҳамжамияти ҳамда Афғонистон ҳукумати томонидан ўзаро мажбуриятларни бажариш алгоритминини ишлаб чиқиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида юқори даражадаги Халқаро гуруҳни тузиш ҳақидаги ташаббусимиз қўллаб-қувватланади, деб умид қиламиз.

Биргаликдаги ҳаракатларимизни мунтазам келишиб олиш учун бугунги форматда Хавфсизлик кенгашири котиблари учрашуви механизмини яратишни таклиф этамиз.

Қадри дўстлар! Бизнинг мамлакатларимиз ва халқларимиз миллий маданиятларини ўзаро бойитиб бориш учун катта цивилизациялон салоҳият ва улкан имкониятларга эгадир. Марказий Осиё ва Хитой Маданият ва санъати йили ҳамда Ёшлар фестивалининг очилиши доирасида бўлиб ўтган ажойиб концерт бунга яқол мисолдир.

Эзгу аънамага айланган гуманитар алмашувлар, турли кўргазмалар, концерт ва гастроллар, қўшма спорт тадбирларини ёшларимизни кенг жалб этган ҳолда, доимий ўтказиб бориши давом эттиришимиз муҳим, деб ҳисоблайман.

Келгуси йилда мамлакатларимиз Ёш истеъодлари форумини йўлга қўйишни таклиф этамиз. Хитой томонига аънаванавий тиббиёт, қўз касалликларини даволаш ва таълим соҳаларидаги муҳим ташаббуслари ва қўшма дастурлар учун миннатдорлик билдираман.

Хурматли ҳамкасблар, делегациялар раҳбарлари!

Бизнинг мамлакатларимиз стратегик шерик ва ишончли дўстлардир. Бизнинг ўзаро ишонч, ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланган кўп йиллик ҳамкорлигимиз ҳеч қачон сиёсий конъюктураларга боғлиқ бўлмаган.

Бугунги халқаро муносабатларда қарама-қаршилик кучайган ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган шароитда ҳам биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаямиз ва халқларимиз учун фаровон келажакни биргаликда қуралмиз.

Мамлакатларимиз пандемия даврида бир-бирига самарали ёрдам кўрсатгани ана шундай алоҳида муносабатларнинг яққол тасдиқидир.

Шу муносабат билан, Хитой томонининг Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасида дўстлик ва стратегик шерикликни мустаҳкамлаш учун учрашувларимизни мунтазам ўтказиб бориш тўғрисидаги стратегик ташаббусларини қўллаб-қувватлашни истар эдим.

Раис Си Цзиньпин жаноблари, сиз — буюк Хитойнинг донишманд раҳбари, бизнинг минтақамизда, умуман, бутун жаҳонда хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонлигини таъминлаш тарафдорисиз. Бизнинг учрашувларимиз ва бугунги саммит бу фикрнинг яққол исботидир.

Мазкур анжуманининг самарали натижалари яхши қўшничилик муносабатлари ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг фаровонлигига хизмат қилишига аминман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Жаҳонро гуллар фестивали

ШУКУХ

Фестиваль арафасида "Янги Ўзбекистон" газетаси муҳбири Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Шавкатжон Абдуразоқов билан суҳбатлашди.

НАМАНГАННИНГ "ТАШРИФ ҚОҒОЗИ"ГА АЙЛАНМОҚДА

ЭРТАГА 62-ХАЛҚАРО ГУЛЛАР ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛАДИ



— Юртдошларимиз ва дунё аҳли Намангани гуллар диёри сифатида яхши билади. Албатта, мазкур эътирофга вилоятимиз ҳар жиҳатдан мурошиб. Суҳбатимиз бошида аънанвий гуллар байрами тарихига қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Йиллар давомида ривожланиб, сайқаллашиб ва оммалашиб бораётган гулчилик биз, наманганликлар учун қадриятга айланган. Мана, 62 йилдан буён гуллар байрами ва фестивали вилоят марказининг Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказиб келинмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги оғир шароитда ҳам Наманган гулчилари кўчатларни сақлаб қолдиш ҳаракатида бўлган. Маълумотларга кўра, 1945 йили 200 минг, 1955 йили 400 минг, 1957 йили 500 минг тул турли навадаги гул кўчати айланган. 1961 йил баҳорда очилган хиёбонни кўкчаларнинг тарихида Наманган шаҳрининг ўша пайтдаги раҳбарлари Зоҳиджон Йўлдошев, Мелихон Иброҳимова, Турсунбой Рузиев, 1956 йилда боғ директори этиб тайинланган Ҳошимжон Нурматов алоҳида жонбозлик кўрсатган. Хуллас, байрам дастлаб гул кўргазмаси сифатида ташкил этилиб, унда фақат туваклардаги гуллар намойиш қилинган.

1961 йил 19 августда илк бор гуллар байрами бўлиб ўтди. Унда 16 нафар ҳаваскор гулчи ва бир неча ташкилот, иккита мактаб иштирок этган. Наманган шаҳри гул кўчатлари корхонаси 140 турда гул намойиш қилган. Рассом Пўлат Жалилов чизган сурат асосида "Восток-2" космик кемасининг ҳаваскор гулчи Нуриддин Ҳамдамов томонидан жонли гуллардан ясалган нусхаси гул ишчибозларини мафтун этди.

1965 йил 15 майда атиргул байрами ўтказилди. Тадбирда 44 ташкилот ва корхона қатнашган. Ушанда боғдаги гулчаларнинг умумий майдони 3,5 гектардан иборат бўлиб, 100 минг туддан ортқ гул кўчати парваришланган. Боғдаги юз ёшдан ошган чинор, қайрағоч, тикандархат, Россиядан келтирилган, мослаштирилган совун дарахти, ўн тул бундук, юз тул ленкоран, акация, оқ заранг каби дарахтлар ўша пайтдаги боғбонлар меҳнати самарасидир.

1967 йили Давлатобод туманида кўп қаватли уйлар қурилади, янги очилган Дўстлик шохкўчасидаги Аврли шойи

газламалар комбинатидан то шаҳар марказидаги боқча етмишта "ГАЗ-21" автоуловида гуллар паради ўтказилади.

Президентимиз 2017 йили Наманган фаоллари билан учрашувда ёшларга ва хотин-қизларга қарата гулчиликни такомиллаштириш юзасидан зарур тавсия ва маслаҳатлар бериб, шу масалада ташаббус кўрсатишга чақирган эди. Бу эса гул байрами халқаро гуллар фестивали мақомига кўтарилишида муҳим омил бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори имзоланди. Байрамни гул экиш ва қарови учун ноқулай бўлган августдан май ойига кўчирдик. Гуллар билан безатилган автомобиллар карвонини тикладик. Фестиваль тарихига бағишланган музей очилди, эски суратлар асосида хотира-воқеаларни галдантирдик. Олис улкалардан келтирилган янги навадаги гулларни иклимига мослаштириш, клонлаштириш ниятида Гулчилар уюшмасини туздик. Наманган шаҳрига ҳоким бўлган давримда Туркияга хизмат сафари билан бориб, Истанбул шаҳрининг ободонлаштириш ва гулчиликда ландшафт дизайни тажрибасини ўрганиб қайтандим. Бугун эса вилоят ҳокими сифатида гулчиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан қарчаман.

— Гуллар байрами 2018 йилдан халқаро гуллар фестивали мақомига олди. Сўнгги беш йилда фестивалга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар сифат жиҳатидан кескин юқорилади. Шуқуҳи ҳар қачонгидан банд ва ўзгача бўлаётган бу галги фестивалга таратуд жараёнида қандай ишлар амалга оширилди?

— Наманганда одат тусига кирган ва интиқлик билан қутиладиган гуллар фестивали жозибдорлиги туфайли маҳаллий ва хорижий сайёҳларни тобора кўпроқ жалб этмоқда. Ҳар йили мазкур тадбир доирасида янгидан-янги кўнгилчор дастурлар, туристик хизматлар сони ортаётгани ва бу орқали тегишли соҳаларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг даромадлари ҳам ошаётганини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, агротуризм, экотуризм, тибиёт туризми, шопинг туризм, гастротуризм ва MICE туризм ривожланиб, сайёҳларнинг вилоятдаги моддий-номоддий маданий мерос объектларига қизиқиши кучаяётир.

Утган йилнинг 22 май — 5 июнь кунлари ўтказилган 61-халқаро гуллар фестивалига 2 миллион 300 минг маҳаллий ва 30 дан зиёд чет давлатдан 51 мингдан зиёд хорижий сайёҳ ташриф буюрган. Хорижий меҳмонларнинг асосий қисмини Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия, Украина, Покистон, Хитой, Жанубий Корея, Шри-Ланка, Озарбайжон ва Беларус фуқаролари ташкил этган. Дания, Нигерия, Чехия, ЖАР, АҚШ, Буюк Британия ва Малайзиядан ҳам сайёҳлар келган.



Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

61-халқаро гуллар фестивалида жами туристик хизматлар экспорти 18 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилги фестивалга 4 миллион маҳаллий, 90 минг хорижий сайёҳ жалб этиш ва туристик хизматлар экспортини тахминан 110 миллион АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган. Бу наманганликлар 1 триллион 200 миллиард сўмдан ошқ даромад қилади, дегани. Хорижий

Минтақанинг ҳаво дарвозаси — Наманган халқаро аэропортидаёқ тева-рак-атроф кузни қувонтиради. Икки улкан боғда маҳаллий гулчи тадбиркорлар томонидан ранг-баранг композициялар тайёрланди. 13 та туман ва 70 ташкилот, корхона, муассаса ўзига ажратилган жойларга худудлари ва тизим ҳаётини ифодаловчи гуллар воситасида рамзий ансамбль яратган.

— Жорий йилда бир ой давом этиши кутилаётган фестивалда маҳаллий ва хорижий сайёҳларни яратилган қулайликлар ва янгиликлар ҳам қизиқтиради. Шу маънода, фестивалнинг олдингисидан фарқлари нимада? Ташриф буюрувчиларга қандай дастурлар ва тўхталар ҳозирланган, ғолибларни қандай совғалар кутмоқда?

— Фарқи талайгина. Ҳар кун ва ҳар соатда бир-биридан зўр тадбирлар режалаштирилган. Хусусан, энг завқлиси 21 май кун эрталаб шаҳар кўчалари бўйлаб турфа гуллар билан ясалган ҳар хил русумдаги 200 дан ортқ автомобилдан иборат карвон юриши, тантанали очилиш маросимидир. Ҳар оқшомда гала концерт ва мушабболик ҳамда лазер шоулар уюштирилади. "Афсоналар водийси" боғида Ўзбекистон Миллий симфоник оркестрининг "очик осмон остида"ги концерти, халқаро IT форум, дрон шоу ва иллюзия шоуиси, халқаро хунарманлар фестивали ва ярмаркалари, "Фарғона водийси модалар ҳафталиги — 2023", "Ўзбек палови маданияти" вилоят чемпионати, қўл жанги бўйича Ўзбекистон — Россия халқаро турнири, халқаро этносспорт фестивали, Бобур боғида эса ёш талантлар шоуиси, таниқли аския ва кулги усталари ижросида аския концерт дастурларини ташкиллаштириш, вилоят мусиқали драма театрида спектакллар намойиши белгиланган.

Истиклол қўчасида "Дунё таомлари Наманганда" гастротур фестивали, назм ва наво кечалари, ретро тароналар, фольклор-бахшичилик мушоиралари, кўрик-танловлар, "Заковат" интеллектуал баҳслари, халқ ўйинлари ва спорт мусобақалари, икебана ва гулдаста усталари беллашуви, қўшар фестивали, "Muzqaymoq Party" дастури, ёш болалар учун иккала боғда ҳам алоҳида цирк, концерт, аниматорлар чиқиши бўлади. Фестивалга Ўзбекистон эстрада юлдузлари, шунингдек, озарбайжонлик машҳур хонандалар — Тилиб Теле ва Зейнаб Ҳесени ҳамда туркиялик таниқли хонанда Рафет Эл Роман ташриф буюради.

22-23 май кунлари "Namangan Tech Summit" халқаро IT форуми рақамли технологиялар соҳаси мутахассислари, дунёнинг етакчи компаниялари моҳир дастурчилари, менежерлари

ҳамда маҳаллий ёш истеъодлар ва IT компаниялар вакилларини бир даврага жамлайди. Модалар ҳафталигида мамлакатимиздан, Туркия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Россия ва бошқа давлатлардан тадбиркорлик субъектлари, дистрибуторлар иштирок этади. Ҳозиргача Япония, Покистон, Туркия, Хитой ва Ҳиндистондан гул шайдолари ўз махсус лотлари билан фестивалда қатнашиш истагини билдирди.

2022 йилда вилоятимизга келган сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун 2 минг киши жалб этилган. Бу йил эса улар сони 4 минг нафардан ошади. Хорижий меҳмонларга муносиб шароитлар яратиш мақсадида Наманган давлат университети, Наманган чет тиллар институти ва Турон халқаро университети ҳамда Наманган шарқ тиллари ва хизмат кўрсатиш техникумининг туризм



соҳасида таълим олаётган битирувчи босқич талабаларидан иборат 150 кишилик волонтерлар гуруҳи шакллантирилди. Улар хизмат кўрсатиш бўйича ўқитилди. Кўнгилли таржимонлар етти тилда эркин мулоқот қилиб, гид вази-фасини бажаради.

Халқаро фестивалга хорижий сайёҳларни жалб қилиш ҳамда иштирокини таъминлаш учун Ташқи ишлар вазирлиги орқали 33 мамлакат элчихона ва дипломатик корпуслари, 9 та биродар шаҳар делегациялари билан 54 та ийрик хорижий корхона таъсисчилари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилди. Жумладан, Azerbaijan Flower Producers, Korea Flower Association, Royal Union of Belgian Florists сингари 15 та халқаро гулчилар уюшмаси ва ийрик гулчилик ташкилотига таклифномалар юборилиб, кўргазмалари билан қатнашишларини таъминлаш чоралари кўрилди.

Наманганда туризмнинг янги соҳаларини яратиш ва ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик қилинаётган Жаҳон банки, Германиянинг GIZ, Малайзиянинг Сабах штатидаги йирик туризм

корхоналари, "Keios" ва "The Journey", UNESCO ва БМТ каби хорижий ташкилотлар вакиллари қақчилди.

Дарвоқе, беш-олти йил бурун Наманган шаҳрида атиги тўрт-бешта меҳмонхона бор эди. Ҳозир улар сони 25 тага етди. Яна 54 та оилавий меҳмон уйи бор. Улар бир вақтинг ўзида 150 минг меҳмонни жойлаш сифимига эга. Ишонасизми, аксарият чет элликлар масофадан туриб аввалдан меҳмонхоналарни банд этмоқда.

Йўллардаги машиналар ҳаракатини ҳам тартибга солишга оид муаммага ечим излади. Иккита торроқ кўчада йўналиш бир тарафламага ўтказилди. Боғ яқинидаги битта кўча автотураргоҳ учун ёпилади ва ноқулайлик, тирбандликнинг олди олинади. Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали муаммоли жараёнларни, хабарларни мунтазам қузатаман. Фестиваль муносабати билан самолёт ва поезд қўшимча рейслари қўйишимиз мумкин.

Жами сарфланадиган 50 миллиард сўмнинг 3 миллиард сўми маданий тадбирлар учун, 1,2 миллиард сўми транспорт, умумий овқатланиш, савдо ва меҳмонхона хизматлари учун, 500 миллион сўми инфратузилма учун, 1,8 миллиард сўми янгидан экиладиган гул кўчатлари учун йўналтирилди. Ландшафт дизайни асосида Бобур боғининг 10 гектар жойига 16 миллион, шаҳар бўйлаб эса 30 миллион дона гул экилган. Фестиваль яқунлари бўйича ғолибларни тақдирлаш учун махсус номинацияларга қимматбаҳо совғалар, фахрли ўринларга пул муқофотлари ва олий ўринларга автомобиллар ажратилган ва совринлар 21 июнь кунги ёпилиш маросимида ўз эгаларига тантанали топширилади.

— Дастлаб маданий дам олиш учун уюштирилган гуллар байрами энди чинакам фестивал даражасига чиқди. Айтинг-чи, санъат ва саноят уйғунлашган мазкур йирик тадбирни беш йилдан сўнг қандай тасаввур этасиз?

— Жуда ўринли савол. Ўтмишга назар ташласак, беш-олти йил муқаддам гуллар байрамини бугунгидек халқаро даражада ўтказиш, вилоятга шунча хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб этиш, туристик хизматлар экспортини кўпайтиришни тасаввур қилиш қийин эди. Бугун гувоҳи бўлиб турибмизки, вилоятимизнинг ташриф қоғози ҳисобланган халқаро гуллар фестивали ҳам кўтаринки кайфиятда, юқори савияда уюштириляпти.

Ҳа, ажойиб ва ўхшаши йўқ, иқтисодий-инвестициявий имкониятлар мувожазлашган бренд-фестиваль баҳона меҳмондўст Наманган вилоятини бутун дунёга танитиш имконияти мавжуд. Бу йилги халқаро фестивалда



"Янги Ўзбекистон" муҳбири Орифжон ЖУРАЕВ суҳбатлашди.

